



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ГЕРМАНИЯНИНГ ТАЖРИБАСИ



Togayev Salim Sobirovich

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
ТДИУ Самарқанд филиали

“Молия, солиқ ва банк иши” кафедраси доценти

E-mail: sts-bank@bk.ru

ORCID ID: 0000-0002-3170-9181

Аннотация. Мақолада Тижорат банкларининг даромад базасини шакллантириш ва бошқаришда иқтисодиёти ривожланган давлатлардан Германиянинг тажрибаси келтирилган.

Калит сўзлар. Тижорат банклари кредитларининг даромадлили, актив, фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар, банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги.

Аннотация. В статье представлен опыт Германии, одной из экономически развитых стран, по формированию и управлению доходной базой коммерческих банков.

Ключевые слова. Доходность кредитов коммерческих банков, активы, процентные доходы, непроцентные доходы, ликвидность и финансовая устойчивость банков.

Abstract. The article presents the experience of Germany, one of the economically developed countries, in the formation and management of the income base of commercial banks.

Key words. Profitability of commercial bank loans, assets, interest income, non-interest income, liquidity and financial stability of banks.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш» тўғрисидаги фармонларида тижорат банкларининг даромад базасини шакллантириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.[1,2]

Тараққий этган мамлакатларда кредитларнинг даромадлилигини таъминлаш борасида ижобий тажриба тўпланган ва ушбу тажрибадан фойдаланиш Ўзбекистон

банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Германия банк сектори ўзининг барқарорлиги ва юқори самарадорлиги билан ажралиб туради.

Адабиётлар таҳлили. Германиянинг «**Deutsche Bank**» банки нафақат Германиядаги, балки дунёдаги энг йирик трансмилий банклардан бири ҳисобланади. [6]

Тадқиқот натижаларига кўра, Германиядаги тижорат банкларининг активлари ҳажми, капиталнинг етарлилиги ва фоизсиз даромадлар рентабелликка ижобий ва сезиларли таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Депозитлар рентабелликка ижобий таъсир кўрсатмаса-да, бу Германиядаги тижорат банклари мижозларнинг омонатларини тўғри кредитга йўналтириш учун бошқара олмагани учун содир бўлади. [3]

Тижорат банклари активларининг сифат кўрсаткичини меъёрий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда рискка тортилган активлар суммасининг ўсиш билан жами капиталнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатини жами капиталнинг ўсиш суръатидан ортда қолишига йўл қўйилса ва қисқа вақт ичида ушбу ҳолатга барҳам берилмаса, у ҳолда, тижорат банкида активлар сифати кўрсаткичини кескин пасайиши кузатилади. Бунинг натижасида банкнинг рейтинг баҳосини кескин пасайиш ҳолати юз беради. [4]

Банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини етарлилигини таъминлаш имконини бериши лозим. Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан лимитлар жорий қилиш мақсадга мувофиқ. [5]

Натижа ва таҳлиллар.

Тижорат банклари кредитларининг даромадлигини таъминлашда Германия банклари бир нечта инновацион ёндашувлар ва амалиётлардан фойдаланади.

1-жадвал.

Германия банкларининг кредитлар даромадлигини таъминлашдаги ёндошувлари[10]

1. Кредит хавфини олдиндан баҳолаш ва бошқариш	Германия банклари кредитлар бўйича хавфни олдиндан баҳолашда замонавий технологиялар ва қатъий назорат механизмларини қўллайди
2.Кредитларни сегментлаш ва шахсийлаштириш	Германия банклари мижозларнинг эҳтиёжларига мослашган кредит маҳсулотларини таклиф қилиш орқали даромадлиликни оширади
3.Молиявий саводхонликни ошириш	Германияда банклар мижозларнинг молиявий саводхонлигини ошириш орқали хавфли қарздорликни камайтириш ва кредитларнинг барқарор қайтарилишини таъминлайди
4. Барқарор даромад	Германия банклари кредитлар бўйича даромадлиликни барқарорлаштириш учун инновацион маҳсулотлар ва

манбаларини яратиш	моделлардан фойдаланади:
5.Инновация ва рақамлаштириш	Кредит хавфини таҳлил қилиш ва мижозларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда AI воситалари қўлланилади
6.Халқаро кредитлаш ва экспорт-импорт молиялаштириш	Германия банклари, айниқса, йирик банклар халқаро кредитлашга катта аҳамият беради

Юқоридаги Германия банклари тажрибасидан фойдаланиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Бошқа банклар кредит беришдан олдин хавфни камайтириш учун илғор скоринг тизимларини жорий қилишлари ва кафолатларни талаб қилишлари керак.
- Тижорат банклари мижозларнинг талабларини чуқур ўрганиб, улар учун махсус мослаштирилган кредит маҳсулотларини жорий қилишлари керак.
- Банклар мижозларнинг молиявий саводхонлигини оширишга эътибор қаратишлари ва уларнинг кредитлардан самарали фойдаланишини таъминлашлари керак.
- Яшил кредитлар ва лизинг хизматларини ривожлантириш орқали барқарор даромад манбаларини яратиш мумкин.
- Онлайн кредит платформаларини жорий қилиш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали кредит бериш жараёнини самарали ва даромадли қилиш мумкин.
- Тижорат банклари экспорт-импорт молиялаштириш ва трансчегаравий кредит хизматларини ривожлантиришга эътибор қаратишлари керак.

2-жадвал

«Deutsche Bank»нинг (Германия) кредитлари миқдори ва даражаси[8]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кредитлар миқдори, млрд. евро	401	429	449	442	485	496
Кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	27,2	31,8	34,6	33,4	36,7	37,1

2-жадвалда келтирилган маълумотларидан аниқ кўринадики, 2020-2022 йилларда «Deutsche Bank» кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, кредитлар миқдори 2022 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Мазкур ҳолатлар кредит механизмини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлганлиги сабабли банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги бевосита кредит портфелининг сифатига боғлиқдир. Ўз навбатида, тижорат

банклари кредит портфелининг сифатини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб, кредитларнинг рисклилиги ва даромадлиги ҳисобланади.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, «Deutsche Bank» брутто активларининг ҳажмида кредитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда кредитларнинг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

3-жадвал

«Deutsche Bank»нинг (Германия) кредитлардан олинган фоизли даромадларининг миқдори ва даражаси[8]

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. евро	13,0	13,8	11,4	10,5	14,1
Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлардаги улуши, %	52,4	74,6	69,9	72,9	54,7


3-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, «Deutsche Bank»нинг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада (8,5 %) кўпайган. Бу эса, банкнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Германия банк амалиётида тижорат банкларининг фоизли даромадларини уч гуруҳи мавжуд:

- * қатъий белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинган фоизли даромадлар;
- * кредитлардан олинган фоизли даромадлар;
- * қимматли қоғозларни олди-сотди қилишдан олинган даромадлар.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, «Deutsche Bank»нинг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг жами фоизли даромадлардаги улуши 2021 йилда 2020 йилга нисбатан, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан ошган. Бу эса, кредит механизмини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитларнинг даромадлиги банкларнинг кредит портфелини сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади; иккинчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори ва даражаси банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан биридир.


Биз қуйида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан кредитларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликка баҳо берамиз.



1-расм. «Deutsche Bank»да (Германия) кредитлардан олинган фоизли даромадлар ва кредитларнинг йиллик ўсиш суръатлари[8]

1-расм маълумотларидан кўринадикки, «Deutsche Bank»да кредитлардан олинган фоизли даромадлар ва кредитларнинг йиллик ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносиблик 2018, 2019 ва 2022 йилларда таъминланган. Бироқ, 2020 ва 2021 йилларда кредитлардан олинган фоизли даромадлар ва кредитларнинг йиллик ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган.

Банклар кредит механизмининг ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси кўрсаткичидир.



2-расм. «Deutsche Bank»да (Германия) [8] ва «Bank of America» (АҚШ) банкида[9] кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %

2-расм маълумотларидан яққол кўринадикки, «Deutsche Bank»да ва «Bank of America» банкида 2018-2022 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0%) анча паст бўлган. Бу эса, кредит механизмини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори бевосита таснифланган кредитларнинг таркибига боғлиқ бўлиб, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши, яъни шубҳали ва умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг ошиши захира ажратмалари суммасининг кўпайишига олиб келади. Чунки, Базель қўмитасининг талаби бўйича стандарт ва яхши кредитлар бўйича захира ташкил қилинмайди.

4-жадвал

«Deutsche Bank»да (Германия) [8] ва «Bank of America» (АҚШ) банкида[9] кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва динамикаси

Банклар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, %
Deutsche Bank, млн. евро	525	725	1792	515	1226	233,5
Bank of America, млрд. доллар	3,3	3,6	11,3	4,6	2,5	75,7

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2020 йилларда «Deutsche Bank»да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур захира ажратмаларининг миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган.

Хулоса.

Германия банкларининг кредитлар даромадлигини таъминлаш бўйича тажрибасидан келиб чиқадиган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ✓ Кредит хавфини камайтириш учун илғор технологияларни қўллаш.
- ✓ Мижоз эҳтиёжларига мослашган маҳсулотлар яратиш.
- ✓ Молиявий саводхонликни ошириш орқали қарздорлик хавфини камайтириш.
- ✓ Яшил молиялаштириш ва инновацион хизматлар орқали барқарор даромад базасини яратиш.
- ✓ Халқаро молиялаштиришни ривожлантириш.

Ушбу ёндашувларни ўз банк амалиётига татбиқ этиш орқали тижорат банклари ўз даромад базасини мустақкамлашлари ва кредитлардан келадиган даромадни оширишлари мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш» тўғрисидаги Фармони
3. Szilard Farkasdi. Budi Septiawan. Erik Syawal Alghifari. Determinants_of_commercial_banks_profitability_evidence_from_germany. <https://www.researchgate.net/publication/366004458>
4. Ҳ.Ў.Рахматов. Банк активлари самарадорлигини ошириш масалалари: замонавий ёндашув ва ечимлар. Монография. Т.2020й. 184б
5. Зиёдуллаев, С. (2022). Тижорат банклари активларининг рентабеллигини оширишнинг долзарб масалалари. *Economics and Innovative Technologies*, 10(5), 43–48. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a5
6. <https://www.makemoney.ng/ru/biggest-banks-in-the-world>.
7. <https://publikationen.bundesbank.de/publikationen-en/reports-studies/monthly-reports/monthly-report-july-2024-935476?article=developments-in-loans-to-enterprises-in-germany-since-the-start-of-the-monetary-policy-tightening-cycle-935484>
8. Annual Reports. Concolidated Balance Sheet www.db.com («Deutsche Bank»)
9. Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. www.bankofamerica.com («Bank of America»)
10. Муаллиф ишланмаси.

Copyright © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

